Беш йилликни муддатидан илгари бажарамиз

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

20-йил чиқиши
№ 240 (4956).
7 декабрь
жума
1973 йил.
Баҳоси 2 тийин.

АБДУКАРИМ ҚОСИМЖОНОВ Янгийўл пойафзал фабрикасининг пешқадам ишчиларидан ҳисобланади. Ўз касбини пухта эгаллаган бу йигит нормани доим бир ярим бараварга етказиб бажаради. Шу кунларда у 1975 йил ҳисобига маҳсулот бермоқда.

В. Сироткин фотоси.

БУГУНГИ ИШНИ ЭРТАГА ҚОЛДИРМАНГ

Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитетида

Область партия комитети ва область ижроия комитети Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхознинг қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қилиш ва сақлаш юзасидан белгилаган тадбирларини маъқуллади.

Область қишлоқ хўжалик бошқармасига, совхозлар трестига, «Ўзсельхозтехника» область бирлашмасига, район партия комитетларига, район ижроия комитетларига, колхоз ва совхозларнинг партия ташкилотларига «Правда Востока» газетасининг шу йил 2 декабрь сонида эълон қилинган ва қўйида босилаётган «Бугунги ишни эртага қолдирманг» сарлавҳали мақолани ишлаб чиқиш, тракторлар, пахта териш машиналари, комбайнлар ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини ўз вақтида ремонт қилиш ва уни сақлашга алоҳида эътибор беришни топширди.

«Ўзсельхозтехника» область бирлашмасига область қишлоқ хўжалик органлари ва район ижроия комитетлари билан биргаликда ремонт ишларини пухта ўтказиш ва хўжаликларни запас қисмлар билан таъминлаш юзасидан ёрдам кўрсатиш тавсия қилинди.

ТЕХНИКАНИ КЎКЛАМ ВА КУЗГА ҚИШДА ТАЙЁРЛАБ ҚЎЯМИЗ

Охунбобоев номли колхозда: экин майдонлари сифатли шудгор қилинди; ариқ зовурлари тозаланмоқда, чопиқ тракторлари тахт; ҳайдов тракторлари 15 декабргача ремонтдан чиқарилади, пахта териш машиналари мойлаб, ёпиқ майдончаларга қўйилди.

Хўжалигимиз пахтакорлари бу йил, беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида катта ғалабаларни қўлга киритдилар. Ҳар гектар ердан 34,5 центнердан пахта олинди. 3360 тонна ўрнига давлат тайёрлаш пунктларига 4430 тонна пахта топширилди. Беш йилликнинг уч йилида хўжалигимизда пландан ташқари 2,5 минг тонна пахта етиштирилди.

Бунда дала гвардиячилари — механизаторларнинг ҳиссаси каттадир. Колхозимизда 37 та «ХВС—1,2» маркали терим машинаси бор. Улар бундан 10 йил муқаддам сотиб олинган. Бу машиналар бункеридан сал кам 3 минг тоннага яқин пахта тўкилди. Ўрта ҳисобда ҳар бир машина билан 80 тоннадан пахта терилди. Агар машиналарнинг эскилигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу юқори кўрсаткичдир.

Деҳқонларнинг байрам куни ҳар жуда қисқа бўлади. Ингим-терим тугалланиши биланоқ келгуси йил ҳосилига тайёргарлик кўриш лозим. 1974 йилги ҳосилимиз ҳам юқори бўлиши, республикамизнинг юбилейини муносиб совғалар билан кутиб олишимиз зарур.

Шунинг учун ҳам беш йилликнинг тўртинчи йилида юқори ҳосил етиштириш учун ҳозирданоқ катта тайёргарлик кўриш зарур. Далаларни ғўзапоялардан тезда тозалаш, шудгорлашни сифатли ўтказиш, далага кўплаб маҳаллий ва минерал ўғитлар солиш керак. Суғориш шаҳобчаларини тозалаш ва техника ремонтини тезлаштиришга катта эътибор бериш даркор. Ҳа, иш жуда кўп. Буларнинг ҳаммаси келгуси йил ҳосили учун жуда зарур.

Колхозимизда ҳозиргача экин майдонлари тўлиқ шудгор қилинди, ўғитланди, 70 минг метрга яқин ариқ-зовурларнинг 50 минг метри тозалаб қўйилди. Биз бу ишларни келгуси йилда экинларни суғориш ишларини сифатли ва пухта ўтказишни мўлжаллаб амалга оширяпмиз.

Қишлоқда асосий куч техникадир. Шунинг учун ҳам барча ишлар билан бир қаторда машиналарни ўз вақтида ремонт қилишга, қисмларини созлашга алоҳида эътибор берамиз.

Мен кўп йиллар механизатор бўлиб ишлаганман ва ўз тажрибамдан трактор яхши ремонт қилинмаса иш яхши юришиб кетмаслигини яхши биламан. Колхоз ранси вазифасида ишлаётганимдан бери ҳам шу тўғрида кўп ўйлайман. Агар, машина парки тайёр бўлмаса, тинчлигимни йўқотаман.

Бизнинг колхозимизда техникага жуда ғамхўрлик билан муносабатда бўлиш одат тусига кириб қолган. Бу жуда тўғри. Биз бунинг учун гараж ва машиналар сақланадиган бостирмалар қуришга алоҳида эътибор бердик. Агар тракторлар ёки пахта териш машиналари очиқ жойда турса, қуёш нури, қор-ёмғир таъсирида уни ремонт қилиш қийинлашади ва бу машиналарнинг яхши ишлашига ишониш қийин бўлади.

Ҳозир бизда далада ёки механизаторлар уйида сақланаётган битта ҳам машинани учратмайсиз. Барча тракторлар, пахта териш машиналари, чеканка қилиш механизмлари, кўрак чувиш машиналари, ҳатто борона ва чизелларгача махсус сақлаш жойларига қўйилган. Ҳамма ёқда сарамжон-сариштaлик. Моторлар махсус хоналарга ўрнатилган. Баллонлар колодкадан олиб қўйилган, шунингдек, аккумулятор ва электр жиҳозлари ҳам махсус хоналарга жойланган.

Ана шуни айтишим керакки, бизда ҳар бир машина маълум механизаторга бириктирилган. Шу механизатор машина учун тўлиқ жавоб беради. Ремонтдан чиқарилган моторни колхоз бош муҳандиси текшириб кўриб, акт билан қабул қилади. Агар механизатор бирон узелни складга топширадиган бўлса, тилхат олади.

Биз ремонт базасига алоҳида эътибор берамиз. Устахонада 3 та токарлик станоги, фрезерлаш, парма станоги, учта пайванд қилиш аппарати, кранлар ва бошқа жиҳозлар бор.

Баъзи хўжаликларнинг раҳбарлари «Ҳамма хўжаликларда ҳам шундай шароит йўқ» дейишлари мумкин. Уларга жавобан мен сизлар ҳам шундай қилинглар, буни ҳар бир хўжаликда амалга оширса бўлади, деб айтмоқчиман. Биз ҳам гараж, бостирма ва ремонт устахонасини бир йил ичида барпо қилганимиз йўқ. Уларни астасекин ҳар йили маълум миқдорда маблағ ажратиш йўли билан қуриб битказдик. Чунки хўжаликни ривожлантиришнинг замини ана шундан бошланишини биз чуқур тушунар эдик.

Шу билан бирга ажойиб механизатор кадрлар етиштириш учун алоҳида ғамхўрлик қилдик. Булар жумласига слесарь Қўшдавлат Жумабоев, токарь Маманазар Мирзаев, сваркачи Анвар Мирзаахмедов ва бошқа жуда кўп усталарни курсатиш мумкин.

Техника ремонти бизда қандай ташкил қилинган? Қиш ғамини ёзда ўйлаш керак деганларидек биз ҳамиша ишни олдиндан, мавсумий дала ишларига аралаштирмасдан бажаришга киришамиз. Экин қатор ораларига ишлов бериш тугалланиши билан чопиқ тракторлари тўппа-тўғри устахонага келтирилади. Август охирларида уларни ремонт қилишни бошлаб, ноябрь ойида тахт қилиб қўямиз. Ҳайдов тракторлари эса шудгорлаш тугалланиши биланоқ ремонтга қўйилади. Ҳозир хўжалигимизда 60 та чопиқ трактори, сеялка ва культиваторлар дала ишларига тахт қилиб қўйилган.

20 та ҳайдов трактори ҳозир конвейерга қўйилди, улар 15 декабрда ремонтдан тўлиқ чиқарилади. Хулласи калом хўжалигимизда техника ремонти олдиндан белгиланган график асосида йил бўйи давом эттирилади. Ҳайдов тракторлари ремонт қилингач, пахта териш машиналари ремонтини бошлаймиз.

Пахта терим машиналари ремонтига биз алоҳида эътибор берамиз. Ҳозир барча терим агрегатлари бостирмаларга келтириб қўйилди. Механик-ҳайдовчилар уларни тозалаб, мутахассислар билан биргаликда ремонт ҳажмини белгиламоқдалар. Агар ҳар бир механизатор ўзи ишлаётган машинани ремонт қилса, пахта териш машиналарини махсус белгиланган малакали механиклар ремонт қилади. Об-ҳаво кўкламда ҳар хил бўлиши мумкин. Гоҳ ёғингарчилик, гоҳ қуруқчилик бўлиши ҳам мумкин. Агар техника шай бўлса, об-ҳаво инжиқлиқларн писанд эмас.

Мен колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига, ремонт ишчиларига ва механизаторларига бугун бажарилиши мумкин бўлган ишни эртага қолдирманг, деб мурожаат қиламан. Бу айниқса юқори ҳосил учун курашда ҳал қилувчи роль ўйнайдиган техникага ҳосдир.

Техникани тўлиқ тахт қилиб қўяйлик. Бу қишлоқ хўжалигида шу кунининг энг муҳим вазифасидир.

М. РУЗМАТОВ,
Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз раиси, республикада хизмат кўрсатган механизатор.

(«Правда Востока» газетаси, 2 декабрь).

ҲАР СИГИРДАН 3200 ЛИТР СУТ

«Оққўрғон» совхози чорвадорлари тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи зардоб йилини муносиб якунлаш учун ҳаракат қилишмоқда. Бу борада совхоз «оқ чашма» бунёдкорлари қўлга киритаётган ютуқлар анча яхши бўлмоқда.

Сут-товар фермасида меҳнат қилаётган область Совети депутати Римма Курушкина ва Жаннат Усмонова каби илғор сут соғувчилар ўзаро социалистик мусобақада пешқадамликни қўлдан бермай ишлашяпти. Ҳар икки соғувчи ўз бокимидаги сигирларни меҳр билан парваришлаб, уларнинг ҳар биридан кунига, 14—15 литрдан серқаймоқ сут соғиб олмоқдалар.

— Ютуғимизнинг бонси сигирларни маълум рацион асосида озиқлантириб, парваришини ўрнига қўйишда, шунда сигирнинг кўп сут бериши турган гап,— дейди Ж. Усмонова.

Римма Курушкина ва Жаннат Усмоновалар йил бошида ҳар бир сигирдан 3 минг литрдан сут соғиб олишни мақсад қилиб қўйишганди. Яхши ният ярим мол, деганларидек бу маррани икки сигир соғувчи барвақт эгаллашди. Р. Курушкина 30 бош, Ж. Усмонова эса 32 бош сигирнинг ҳар биридан 3200 литрдан серқаймоқ сут соғиб олдилар.

Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхозининг илғор соғувчиси Жаннат Усмонова кўп йиллик меҳнатлари ва социалистик мусобақада яхши натижаларга эришгани учун «Меҳнат Қизил Байроқ» ордени билан мукофотланган.

Э. БУТУНБОЕВ.

ЗЛОБИНЧИЛАР НАМУНАСИ

БРИГАДА НАРЯДИГА КЕНГ ЙЎЛ

Тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи йилида бошқармамиз қурувчилари зиммасига Тошкент область матлубот союзининг тайёрлов конторасининг сабзавот сақланадиган омборлар, консервалаш цехлари ва савдо ҳамда умумий овқатланиш корхоналари қуриб беришдек муҳим вазифа юклатилган.

Коллективимизнинг ҳар бир аъзоси бу ишнинг қанчалик шарафли ва аҳамиятли эканлигини яхши тушунади. Шу боисдан кун сайин унумлироқ ишлаб, ўзларига топширилган объектларни тез ва сифатли қўлдан чиқаришга ҳаракат қилишяпти. Қурувчиларимизнинг аксариятини ўз касбини пухта эгаллаган ва жондилдан севган йигитлар ташкил қилади. Уларнинг фидокорона меҳнатлари туфайли бошқармамизда ойлик ва чоракдаги планлари доимо бажарилянти. Масалан, шу йилнинг 11 ойи ичида пландаги 1859 минг сўм ўрнига 1883 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириб, планни 101,3 процент қилиб бажаришга эришдик.

Йигитларимиз ҳал қилувчи йилда иш сифатига алоҳида эътибор бераётганлари учун бунёд этилаётган объектлар давлат комиссияси томонидан яхши ва аъло баҳоларда қабул қилиб олиняпти.

Ютуқларга эришишда ўзаро мусобақанинг роли бениҳоя катта бўлди. Бизда бу йил мусобақа ҳар қачонгидан ҳам қизғин тус олди. Бунда москвалик бинокор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Николай Злобин методи асосида ишлаётган Иван Гусьев бошлиқ Янгийўл махсус кўчма отряд қурувчилари пешқадамлик қилишяпти. Илғор коллектив ўн бир ойлик қурилиш-монтаж ишлари планини 107,6 процентга адо этиб, Злобин методининг афзалликларини амалда исботлашди. Шу боисдан ҳозирги кунда бошқармамизда злобинчилар сафи кенгайиб борянти. Чунончи, Оржоникидзе районида меҳнат қилаётган А. Абдурахимов ва Н. Якина ўртоқлар бошқараётган комплекс бригада қурувчилари яқин кунлар ичида байлашиб ишлашга кўчадилар.

Шунингдек, Тўйтепа отряди бунёдкорлари ҳам мусобақа пешқадамлари саналади. Улар ҳам ойлик планларнигина эмас, зиммадаги мажбуриятларини ҳам ортиғи билан бажаришга эришмоқдалар. Бошқармамиз партия, касаба союз ташкилотлари қурувчилар орасида мусобақани янада қизитиш ва уларнинг активлигини ошириш мақсадида мусобақа ғолибларини рағбатлантиришнинг турли усулларидан кенг фойдаланянти. Масалан, учинчи квартал якуни бўйича биринчи ўринни эгаллаган Янгийўл отряди қурувчилари кўчма Қизил байроқ ва биринчи даражали пул мукофотини олдилар. Мусобақада иккинчи ўринни эгаллаган Петр Ким бошлиқ комплекс меҳнат бригадаси қурувчилари ҳам муносиб тақдирландилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бошқармамиз қурувчилари орасида беш йиллик шахсий топшириқларини муддатидан илгари бажаришга ҳаракат қилаётган зарбдорлар ҳам анчагина бор. Шу кунларда дўрадгорлардан А. Эргашев, Н. Набиев, бетончи Т. Каримов ва шу каби ўнлаб илғорлар 1974 йилнинг июнь, июль ойлари ҳисобига ишлашяпти.

Рационализаторларимизнинг амалга ошираётган ишлари ҳам кўпчиликни қувонтирмоқда. Улар йил бошидан буён 4 та таклифни жорий қилдилар. Бу йилига 27 минг сўмни иқтисод қилиш имконини берди. Қувончлиси шуки, бизда меҳнат унумдорлиги ўтган йилга нисбатан сезиларли даражада ортди. Тежамкорликка алоҳида эътибор берилиши натижасида 18 тонна цемент, 15 куб метр тахта тежалди.

Ғалабадан руҳланган бошқармамиз қурувчилари меҳнат вахтасида туриб ишлаб, йиллик қурилиш-монтаж ишлари планини 15 декабрга бажаришга аҳд қилдилар. Бунинг учун барча имкониятлар мавжуд.

Р. ОДИЛОВ,
«Узкоопстроймонтаж» трестига қарашли Тошкент механизацилашган қўчма колонна бошлиғи.

ҲОСИЛ БАЙРАМИ—МЕҲНАТ БАЙРАМИ

ТОШКЕНТ ОТЧОПАРИДАН РЕПОРТАЖ

СУРАТЛАРДА: Қорақалпоғистон АССР ва барча областлардан келган илғор пахтакор, чорвадор ва сохибкорларнинг вакиллари республика байроғини кўтармоқдалар. Ўнгда эса байрам колоннаси ўтиб бормоқда.

Тошкент йўлларининг ҳаммаси бугун гўё отчопарга келиб туташгандай. Автобуслар ва такси ларнинг охири кўринмайди. Меҳмон устига меҳмонлар келиб турибди. Ҳаммаёқда шодуҳуррамлик, байрам тантаналари.

Янги ўрнатилган павильонлар пештоқидаги олбайроқлар қиш шамолида оҳиста ҳилпираб турибди. Транспарантлар ва паннолларда пахтакорлар меҳнати мадҳ этилган. Ўртада айланиб турган думалоқ панно да 4.900.000 деган рақамлар ёзиб қўйилибди. Бу рақамлар отчопарнинг ҳамма бурчакларидан ҳам кўзга яққол ташланиб турибди.

Меҳмонлар ҳам, мезбонлар ҳам хурсанд бугун. Ҳамманинг чеҳрасида табассум, қалбида қувонч ҳисси мавжланади. Пазандалар ва савдо ходимлари белни маҳкам боғлаб хизмат қилишаяпти. Улар ўз бисотларидаги энг тансиқ нозу-неъматларни, ноёб молларини пахтакорлар олдига олиб қўйишаяпти. Тўлаган Абдуазимов, Зоҳид Самиғжонов ўртоқлар бошлиқ аъзочи савдо ходимлари, Ботир Қозоқхонов, Убай Иногомов ўртоқлар бошлиқ пазандаларнинг қўли-қўлига тегмайди.

* * *

Майдонлар узра таралаётган куй ва қўшиқлар ҳам бирбирига уланиб кетаяпти. Бугун «Лазги» ансамбли билан бирга фарғоналик санъаткорлар ва бадиий ҳаваскорлик коллективлари ҳам очиқ эстрада саҳнасига ташриф буюришган. Гулсара Еқубова, Жалолхон Охунов, Вилоят Оқилова каби хонанда ва раққосалар ўз санъатларини намойиш қилмоқдалар.

Эрталаб соат 11.

Тошкент отчопарининг Марказий минбарига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзолигига кандидатлар И. Г. Анисимкин, А. Д. Бесчастнов, О. У. Салимов, И. Р. Қурбонов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, Н. Ж. Худойбердиев, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари Р. Х. Абдуллаева, Г. А. Габриэльянц, М. Т. Турсунов, С. К. Зиёдуллаев ўртоқлар кўтариладилар.

Байрам тантаналарини Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министри Э. Т. Шайхов очади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Р. Қурбонов ўз нутқида беш йилликнинг ҳал қилувчи йилида мисли кўрилмаган даражада мўл ҳосил етиштирган деҳқонларнинг улкан меҳнат ғалабаси тўғрисида гапирди. У КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг улкан пахта хирмони учун курашда эришилган катта меҳнат ғалабаси муносабати билан республиканинг барча меҳнаткашларига табрикномасини ўқиб берди.

(Давоми 4-бетда).

ДУГОНАЖОНЛАР

Бахти пахтасидан ойдин дугона,
Номдор ишчи сингил, оқ халатли қиз,
Ҳаёт яратувчи сеҳргар она,
Менинг меҳмонимсиз бу кун барингиз.

Юрак-юраклардан сув ичмоқ бўлса,
Тортаркан танобин йўл ҳам, фурсат ҳам.
Не ажаб, кичик бир хонамга сиғса
Дилбарлари ила ҳур Республикам.

Сизлар менга таниш, менга муҳтабар
Хусну камолингиз кўзимга ёлқин.
Сизларни кўрмасам, билмасам агар
Шеъринг ҳам нелигин билмасдим балким.

Сочингиз чамбарак рўмол остида,
Суньий турмакларга тушмас ишингиз.
Вақтингиз ўтар иш, ижод устида,
Бевз фурсатларга йўқдир хушингиз.

Хонаки тикувчи қўлидан чиққан
Кўкрак бурма кўйлак — сиз севган либос.
Кунин ателье да кеч қилар жонон —
Сиздан латофатни оларсин, рост.

Пардоз салонида соатлаб навбат —
Кутишдай бир эрмак сизга бегона.
Яратиш шавқида ёнасиз фақат,
Сиз орзу, кураш, ишқ, бахтга дугона.

Сафарларда юрсам, булар тилимда
Сиз уйган хирмондан таралувчи нур.
Ҳайрат-ла тинглашар, Ғурур кўнглимда,
Сизгадир, чеварим, бу суқ, бу ғурур.

Юзингиздай нақшин олмаларингиз
Дастурхон безаркан узоқ Шимолда,
Дўстга меҳри чексиз, севгиси чексиз
Ўзингизни кўргим ўшал тимсолда.

Қалбларни ситар терган пахтангиз..
Нўлдош кемаларда сиз йўнган мурват.
Меҳнатдан топдингиз тожу тахтингиз,
Сизга қанот бўлди интилиш, журъат.

Сизга қанот бўлди эркин замона
Бахт деган чўққида турибсиз букун.
Қадрингиз ўлчанар нурли само-ла,
Пойингизда иқбол гуллари тўкин.

Сўзлар ахтараман сизга муносиб,
Эй, бургут парвозли, нигоҳи порлоқ!
Қанчалар бахтлиман- Менгадир насиб
Чўққилар нафасин шеърларга солмоқ!

Гулчеҳра НУРИЛЛАЕВА.

БУКА районидаги Ҳамза номли колхознинг илғор сут соғувчиси Меҳнат Қизил Байроқ орденли Гулнора Соипова ўзига бириктирилган 25 бош сигирдан 70 тоннадан ортиқ сут соғиб олиб, мажбуриятини ошириб бажарди. Суратда: Г. СОИПОВА.

Ж. Тўраев фотоси.

ЭЛ МЕҲРИ

(ОЧЕРК)

Куз, Жўнариқ бўйидаги колхоз далаларида нуроний кўрки билан оҳиста одим ташлайди. У пайкалма-пайкал юриб, чаноқлардаги сўнгги граммларни миқоллаб териб олаётган теримчилар, эгатлардан олтин сузиб бораётган машиналар ишига ҳамкору ҳамдам. Сарин шабадалар чаноқлардан оқариб кўринган толалардаги ғуборни кўтармоқда, кўринган кўсакларга табассум бағишламоқда, эринчоқлик билан ҳазонрезг шопиради.

Эгат оралаб бораётирмиз, ҳикоя бошлади Маҳмуд ака. — Кўчатни сийрак қолдирибсизлар, деб ачинган бир ёш олимни эслаб кетдим ҳозир. Мен фикримни тушунтирдим. Шунда ҳам тортишувни кўймади меҳмон. Астойдил қизишиб фикрини тасдиқлашга уринди у. — Ўйлаб кўринг, ҳисобли кўчат бўлмаса, планни қандоқ бажарасиз? Ахир, ҳосил осмондан эмас — ердан, туплардан чиқади-ку?

Бу сўз менга қаттиқ тегди, Бироқ, «Меҳмон — отангдан улуғ», деган фикр ҳаёлимдан ўтиб бўлак гап айтмадим. Ўша куни кечга яқин ёш олим билан ҳайр-хўшлашиб қолдим.

Вақт чопоғон. Далаларни қанситратган ёз ўз ўрнини кузга бўшатиб берди. Ёш олим «башорат» қилган синов фасли етиб келди. Дил таскин топмади. Терим олдидан ҳамма участкани айланиб чиқдим. Кўчатлар кифтдор, ёш шохларда пайдо бўлган ғуж-ғуж, лўппи чаноқлар кўнгилни хафа қилгудай эмас. Улардан хурсандман.

...Мана, бу уч туп ғўзани терим олдидан олиб қўйганман. — Раис хона бурчагида турган ҳосилни ишора қилди. Сўнгра чаноқларни санаб чиқди: «82 дона ҳосил! Қаранг, ҳар бир ён шохда беш—олтитадан чаноқ бор».

Чаноқлар эртакларда таърифланган зар хумчани эслатади. Уларнинг ҳар бирида инсон учун зарур бўлган бебаҳо дунё қайнаб турибди.

— Бу, аввало, меҳнатимизнинг, қолаверса, кўчатни сийрак қолдирганимизнинг шарофати, — деди раис. Шунда ҳаёлимдан ўша ёш олим ўтди. Тупроғи зар далалар ўз билимдонини етказиб чиқармоқда. Уларга пайкалларнинг ҳар бир қарич қисми ойнадек равшан. Демак, деҳқон ҳам олим. У ер китобини йилнинг уч фасли давомида мутолаа қилади, мазмунининг мағзини чақади ва ниҳоят ўрганган илм ҳиммати билан тупроқни олтинга айлантиради. Маҳмуд ака таъбири билан айтганда: «Деҳқон — қодир инсон. У, чаноқлар тақдирида ўз тақдирини яратмоқда».

Колхоз саркори босиб ўтган йўл ўзи ардоқлаб ўстирган пахта толасидек узун, сарфланган меҳнатдек машаққатли. У, эл бошига иш тушганда севимли қишлоғи билан хайрлашган кунни сира унутмайди. Билаги кучга, юраги ҳаёт завқига тўлган пайтда фронтга олинди. Унинг тақдири душман ўровида қолган қардошларимиз тақдири билан боғланди. Польша учун курашаётган жангчилар орасида колхозчи фарзанди Маҳмуд Исматов ҳам бор эди. У, поляк ерларининг узоқ ичқарисигача жанговар сафларда борди. Уруш тугагач, ғалаба билан ўз ўйига қайтди.

Уруш хўжаликларни издан чиқарган эди. Урушдан бурун давлатманд бўлган колхоз илгидан қуввати кетиб қолган эди.

Эл бошига иш тушса, эр ўғил ўзини четга тортмайди. Халқ лозим топгач, Маҳмуд ака колхоз тақдирини ўз зиммасига олди.

Камқувват хўжаликни тиклаш осон эмас, албатта. Колхоз қанотида одамлар бор, ер-сув бор. Ҳар бирининг ўзига монанд сирасрори мавжуд. Хўш, қайсисини биринчи навбатда қўлга олиш фойдали? Ер ҳам асосий-ку? Шунда Маҳмуд аканинг қалби «Одамларни отангдан улуғ кўр, учраган жумбоқ тугунини аҳли меҳнатечур», дея шивирлагандек бўлди. У, дил сўзига қулоқ солди. Катта-кичик қаватидан чиқмади. Кексаса деҳқонлардан маслаҳат олса, зарур чоғда ёшларга йўл кўрсатди, одамийликни уқтирди.

Колхоз аҳли раис изидан борди? Билимдон раҳбар туфайли, колхоз қучга тўлди. Ҳосилдорлик ортиб, давлатга-давлат қўшилди. Бир вақтлар ҳоли қудрат бўлган хонадонлар эндиликда файзга тўла, юпинликни ўзидан бутунлай бегона қилган. Остона ҳатлаб келган меҳмон ҳам, пешвоз чиққан мезбон ҳам ҳижолат чекмайди.

Колхоз қишлоғи қисқа вақтда ёқ кўпчиликнинг тилига тушди. Тарқоқ хонадонлар бош план асосида марказлашди. Электрлашган равон кўчалар, мевазор боғлар кўпайди. Бешта мактаб, шифохона, аптека, клуб, болалар боғчаси ва шу каби маданий-маиший муассасалар деҳқон хўжаликларига хизмат қилмоқда.

— Дилимизда орзулар анчагина, — дейди Маҳмуд ака. — Ҳар йили колхозчиларга меҳнат отпускасини беришни кўзда тутаяпмиз. Бизни яна бир нарса қийнаётган: ҳушманзара жойларимиздан бирида пенсионер қарияларга атаб дам олиш уйини барпо қилмоқчимиз. Яқин вақтда кўп ўринли янги мактаб, икки қаватли катта шифохона қуриш, шунингдек, қўшимча дала йўлларини асфальтлаш каби ишларни бошлаб юборамиз.

Ҳар бир мақсадга муяссар қиладиган фурсатларда ўзига яраша меҳнат, машаққат борлиги ҳеч кимга сир эмас. Коллектив хўжаликни нурафшон қилаётган биринчи куч — пахта, иккинчи куч эса — одамлар! Хўжаликда ана шу омиллар мустаҳкам. Ҳар бир туп ғўзага қўйилган меҳр ҳарорати сарфлаш колхоздаги аёлу эркакка хос фазилат. Данакни ердан кўкартириб, мева боғлатган ва ниҳоят неъматидан одамни баҳра топтирган саҳий боғбон сингари колхоз пахтакорлари ҳам чаноқларда бахт яратиб, уларни эл билан бирга баҳам кўришмоқда. Социалистик меҳнат қаҳрамонлари Мираҳмад Юсупов, Мадамин Марайимов ва уларнинг ҳамкасблари Турсунбой Эрматов, Турсун Нурхўжаев, Ўрин Файзиев сингари пахта илмининг донишмандлари билан колхоз фахрланади. Ҳосилдорлик шулар каби ишбилармон деҳқонлар, механизаторлар, сувчилар тўкаётган пешона тер эвазига ўсиб бораяпти. Хўжалик бўйича ҳозиргача гектаридан 43 центнердан ошириб ўруглик пахта — «Тошкент-2» нави ҳосилини жамлариб олинди. Айрим звено ва участкалардаги ҳосил 47—50 центнердан ошиб кетди. Бундан колхоз қуввати сўзсиз, яна ортади.

Ютуқларнинг сири нимада? Жўнариқдан сув ичган «Коммунизм» колхозига қўшни бўлган хўжаликларда нега бундай кўрсаткич йўқ?

— Илинган кишига илик тутган одам — азиз, — дея ўз фикрини шарҳлай бошлади раис. Ажойиб селекционер олим, давлат мукофоти лауреати Содиқ Мираҳмедовга катта раҳмат! У яратган «Тошкент» навлари бизни ғоятда хурсанд қилди. Оз бўлмаса, вильт балоси тинкамизни қуритаёзган эди. Мана уч йилдирки, янги сорт туфайли вильтдан қутилдик.

Ютугимизнинг яна бир сири — алмашлаб экишга қаттиқ риоя қилганмиз. Бугина эмас, ишда алдамчиликка, пала-партишликка сира йўл қўймаймиз. Шунга монанд бир мисолни айтиб берай: кечки пайт кекса деҳқонларимиздан бири Мираҳмад Юсупов рўбару келиб қолди. — Сени кидириб юрувдим Маҳмуджон, — деди у. Кўзимга алла нимадан норозига ўхшаб кўринди қария.

— Келинг ота, тинчликми?

Мираҳмад ака кўнгилдаги бор гапни тўкди: Қаридим,, мени тинч қўй ука, дегандим ўшанда, унамадинг. Хуллас, ҳосил советига аъзо қилиб қўйдинг. Мана энди, ҳижолат чекиб хузурингга келдим.

— Хўш... Хўш нима гап? — ҳайрон бўлиб қария кўзларига тикилдим. Мираҳмад ака жиддий, босиқ овоз билан тушунтирди.

— Деҳқонбой наҳотки бундан хабарсиз бўлса!? Ахир, у участка бошлиғику? Звенода ўтказилаётган культивация ҳам, суғориш ҳам жуда сифатсиз.Бу ҳолда, бор ҳосил йўққа чиқади, Айтишдан мақсадим: юз берган камчиликни ўша звенода кўпчилик ўртасида муҳокама қилсак — шунда бошқаларга ҳам ибрат бўлар, деган фикрдаман.

Мираҳмад ака таклифи менга маъқул тушди. Эртасига тўртинчи звено шийпонида умуммажлис ўтказдик. Сўзга чиққан ўртоқлар ҳосил совети аъзоларининг фикрини якдиллик билан қувватлашди. Мажлис қарорига кўра Туроб Ғуломов ва у бош бўлган звено аъзоларини пахта ишлашга чақириб, тўланган ҳақ сувчи ва механизатордан қайта ундириб олинди.

Дўст ачитиб гапириб, айбингни тузатишга ундайди. Буни қаранг, кузга келиб тўртинчи звенонинг иши юриб, план муддатидан ошиб кетди. Кечга яқин идорага хурсанд бўлиб кириб келган Туроб ўз миннатдорчилигини изҳор қилди.

— Ҳосил совети аъзоларига ҳам, мажлис аҳлига ҳам бир дунё раҳмат, миннатдорман, — деди икки қўлини кўксига қўйиб...

— Танқидни тан олиб ишлаш — хатога бошламайди, Туробвой, — дедим мулоҳазали оҳангда. — Деҳқон деҳқонга ёмонлик истамайди. Биз, бир мақсад учун курашаяпмиз. Осмон узилиб ерга тушганда ҳам тақдиримиз, қалбимиз пахта билан боғлиқ.

Маҳмуд аканинг бу гапларида деҳқоннинг ва у раис бўлган хўжаликнинг бугуни ва келажаги ўз ифодасини топган эди.

Маҳмуд аканинг бу гапларида ССР Олий Совети депутати, республикада хизмат кўрсатган пахтакор — яъни, халқ учун тиним билмас инсон. Унинг уй-ҳаёли деҳқон кўнглини мамнун этиш, қадрдон қишлоғини ободонлаштириш билан боғлиқ. У бош бўлган «Коммунизм» колхози деҳқонлари тўққизинчи беш йиллик топшириқларини тўрт йилда бажариш учун курашаяптилар. Колхоз аҳли 1974 йилга бориб, жаъми бўлиб давлатга пландагидан кўп — 18 минг тонна сара «оқ олтин» етказиб бердилар.

...Кўни-кўнжи бойликка тўлган куз колхоз далаларида бобо деҳқондай одим ташлайди. Олтин қўллар сўнгги ҳосилни йиғиб олиб, янги ҳосил тараддудини кўрмоқдалар. Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхози пахтакорлари ана шундай боқий ниятли кишилар. Улар яратаётган бутун, эрта ва индинлар элу-юртга беминнат хизмат қила олишга қодир қут-барака ва яхшиликка тўла.

Баҳром САЪДУЛЛАЕВ.

ЯКУН ВА РЕЖАЛАР

1973 йил якунларидан хурсандмиз. Республикамизда «Ҳосил байрами» тантанали нишонланаётган кунларда шуни қувонч билан айтишимиз мумкинки, беш йилликни тўрт йилда бажариш юзасидан ўз зиммасига катта мажбуриятлар олган колхозимиз аъзолари ҳал қилувчи учинчи йилда картошка, сабзавот, мева, узум ва чорвачилик маҳсулотларини кўпайтиришда катта ютуқларни қўлга киритдилар.

Биз пландаги 960 ўрнига 1260 тонна картошка, 4280 ўрнига 6300 тонна сабзавот етказиб бердик. Колхозимиздэ экинларнинг барча турлари бўйича берилган топшириқ муваффақиятли адо этилди. Карам, помидордан айниқса юқори ҳосил етиштирилди. Полиз экинлари маҳсулоти ҳамда мева ва узум етказиб бериш халқ хўжалик планлари ва социалистик мажбурият бирмунча ошириб бажарилди.

Колхозимиз аъзолари бу йил 5800 тонна сабзавот етиштириш ва шундан 5400 тоннасини давлатга сотиш мажбуриятини олган эдилар. Биз сўзимизнинг устидан чиқдик. Ҳар гектар ердан мўлжалдаги 192 центнер ўрнига 265 центнердан сабзавот етиштирилиб, ишлаб чиқариш плани 133 процент қилиб бажарилди. Гектаридан 394 центнердан карам, 361 центнердан помидор йиғиштириб олинди.

Неъмат Расулов, Ислом Баҳромов ўртоқлар раҳбарлик қилаётган сабзавотчилик бригаларида гектаридан 430 центнердан помидор, 401 центнердан карам етиштирилди. Ленин орденли Худойназар Умаров бригадаси соҳибкорлари 35 гектар ҳосилга кирган боғнинг ҳар гектаридан 223 центнердан узум олдилар.

Йил бошидан бери 180 бош сигирнинг ҳар биридан 2860 литрдан сут соғиб олинди. Биз йил охиригача ҳар бир сигирдан сут соғиб олишни 3 минг 200 литрданга етказамиз.

Шунингдек, колхозда давлатга 420 тонна ўрнига 438 тонна гўшт, 60 минг дона ўрнига 120 минг дона тухум олинди. Бу соҳадаги давлатга маҳсулот топшириш мажбуриятлари ошириб бажарилди.

Қўлга киритилган бу катта ютуқлар бизни 1974 йилда янада зўр гайрат билан меҳнат қилишга ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни тинмай кўпайтиришга ғайратлантиради. Биз шуларни хисобга олиб, зиммамизга мажбурият қабул қилдик. Гектаридан 150 центнердан картошка, 250 центнердан қовунтарвуз,260 центнердан сабзавот, 250 центнердан узум 100 центнердан мева етиштирамиз ва жами озуқа экинлари маҳсулотини қўшиб ҳисоблаганда 16 минг 645 тонна маҳсулот тайёрлаш учун курашамиз.

1974 йилда беш йилликда мўлжалланган 24 минг 233 тонна сабзавот ишлаб чиқариш топшириғи келгуси йил охиригача 26 минг тонна қилиб бажарилади. Шунингдек, узумчилик, боғдорчилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам беш йиллик топшириқларини келгуси йилдаёқ тўла бажариш учун бизда барча имконият бор.

1974 йилда қорамоллар сонини 560 бошга, сигирларни 200 бошга етказамиз. Ҳар бош сигирдан 3400 литрдан сут соғиб оламиз. Давлатга 550 тонна сут сотамиз. Шундай қилиб, келгуси йил охирига сигирлардан соғиб олинган сут 2337 тоннага етади. Бу беш йиллик планда мўлжалланганидан 151 тонна кўп демакдир.

Шу кунларда колхозчиларимиз келгуси йил мўл ҳосили учун пухта замин тайёрлаб қўймоқдалар. Ерлар тўла шудгорланди. 3 минг тонна маҳаллий ўғит тайёрланди. Уруғликлар тўла жамғариб қўйилди. Эрта кўкламда экиш учун 120 гектар ер ҳайдалиб ариғи олиб қўйилди. 50 гектар ерга пиёз, уч гектар ерга «Дербент» карами, шунингдек кўплаб майдонларга сабзи, ош лавлаги, саримсоқ пиёз экиб қўйилди.

План ва режаларимиз ана шундай. Тўққизинчи беш йиллиқнинг тўртинчи йили бизнинг колхозимиз учун беш йиллик якунланадиган йил. Фидокор колхозчиларимиз ўз сўзларининг устидан албатта чиқадилар.

С. МУҲАММАДЖОНОВ,
Калинин районидаги «Ленин йўли» колхозининг раиси, республикада хизмат кўрсатган агроном.

КЕЛГУСИ ЙИЛГА ПУХТА ЗАМИН

Мана икки кундир пахтакорларнинг зафар байрами! «Оқ олтин»дан тоғлар яратган, пахтачиликда энг юксак марраларни эгаллаган, қалби пахтадек оқ, қолиб пахтакорлар байрами. Бу пахтакорларнинг чинакам тўйи. Ҳар ким бу тўйга ўз тўёнаси билан келди.

Бизнинг совхоз пахтакорлари ҳам ана шу тўйга 6760 тонналик хирмон жамариб етиб келдилар. Ҳосилдорликни гектар бошига 30 центнерга етказдилар. Халқ хўжалик планига нисбатан ҳосилдорлик 5,2 центнер ошириди.

Совхозимиз коллективининг фидокорона меҳнати туфайли хўжалик йил сайин равнақ топмоқда. Азамат пахтакорларимиз астойдил меҳнат қилиб, йилдан-йилга ҳосилдорликни оширмоқдалар. Бунга мисол қилиб ўтган йилга нисбатан пахта ҳосилдорлигининг 2,8 центнер ошганлигини кўрсатиш мумкин.

Шу улуғ айём кунлари совхозимизда тер тўкиб меҳнат қилаётган одамларимизга минг раҳмат дегимиз келади. Чунки, улар ҳам барча шонли пахтакорлар сингари пахта фронтида ажойиб меҳнат намуналарини, якдиллик билан ишлашнинг афзалликларини кўрсатдилар.

Шукур Ҳожиев бошлиқ 1-бўлим ишчиларининг бу йилги эришган ютуқлари ўз шароитимизга нисбатан ибратлидир. Бу бўлим ишчилари 530 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 25,5 ўрнига 33,5 центнердан ҳосил йиғиб олдилар.

Бўлимнинг Хўжамурод Бердиев, Рустам Холмуродов, Нурмурод Нуралиев бошлиқ бригадаларида ҳосилдорлик 35,5—37,5 центнерга етди. Бу халқ хўжалик планидагига нисбатан 10—11 центнер кўп демакдир.

Совхозимизнинг 4-бўлимидаги Аҳмад Эргашев, Ўтан Қаршибоев, Карим Эргашев, 3-бўлимидан Валлом Тўхтабоев бошлиқ бригадаларда ҳам юқори ҳосил етиштирилди.

Совхозимизда эришилган ютуқлар барча ишчиларнинг, мутахассисларнинг, механизаторларнинг муштарак меҳнатларининг самарасидир. Шуларнинг ҳаракатлари, ташаббус кўрсатиб ишлаганлари туфайли мўл ҳосил етиштирилди. Етиштирилган 6760 тонна пахтанинг 4534 тоннаси машина билан териб олинди.

Совхозда пахта ҳосилдорлиги, механизаторларимизнинг малакалари ошиб бораётгани туфайли бу йил терим агрегатлари ҳам унумли ишлади. Ўтган йили бир машина билан 68 тоннадан пахта терилган бўлса, бу йил ўртача 100 тоннадан пахта терилди. Эшмат Бобоев, Мирза Мирзаев, Бегали Азизов ва бошқа кўп механизаторларимиз машина билан пахта теришда намунали ишладилар.

Совхозимиз пахтакорлари айни кунларда келгуси йил мўл ҳосилини кўзлаб кўпгина тадбирларни амалга ошириш учун киришдилар. Ҳозиргача 60 гектар паст-баланд ерлар текислаб қўйилди. Яна 100 гектар ер шу тахлитда капитал текисланади. Бизда ажриқ, ғумай босадиган анчагина ер бор. Шу хилдаги 150 гектар ерга ҳайдаш олдидан долопон препарати сепилди. Зовурларни тозалаш, карта четларидаги ерларни экинзорларга қўшиш тадбирлари амалга оширилмоқда. Бульдозерлар ишлаб турипти. 3 та экскаватор мелиорация ишларини амалга оширмоқда. Биз пахтакорларнинг зафар байрамини ана шундай ишларни амалга оширган ҳолда кутиб олмоқчимиз.

З. ҒОЗИЕВ,
Бекобод районидаги Ойбек номли совхоз директори.

БУГУН ШОДЛИК БОШҚАЧА

Кузак бу йил яхши келди, ҳаво бошқача,
Деҳқонга мадад берур саҳий қуёшгача.
Пахтанинг ишқида ёнур ўтли қуёшгача.
«Оқ олтин» дейди ҳамма — қарию ёшгача.
Ҳиммат тарозисин пахта палласи вазмин,
Ўлчагали етмас посангню тошгача.
Серҳосил далалар тўйхонага айланди,
Кўчиб чиқиб барча қавму қариндошгача.
«Оқ олтин» ғарамларин машина тоғ қилди,
Пўлат отга миниб ўшал қаро қошгача.
Ҳамма нарса вақтида мўл-кўл улашилди.
Далада қўлга тегди кунлик маошгача.
Ғалаба соати деб бўлди сафарбарлик
Синовдан ўтди ҳатто сабр-бардошгача.
Сокина, ғазал битиб деҳқон байрамида
Тўйга чорла энди жамики қардошгача.

СОКИНА.





ЧИНОЗ районида йилдан-йилга ободонлашиб бормоқда. Бу ерда янги типдаги уйлар, турли маданий муассасалар қад кўтараётир. Яқинда район марказида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхонаси фойдаланишга топширилди. Районнинг «Қизил Октябрь» колхозидаги ўқувчилар бригадаси эса ўзларининг шинам дала шийпонларига эга бўлдилар. Суратда: (чапдан ўнгга) аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхонасининг умумий кўриниши ва янги тушган дала шийпони биноси.

А. Абалян фотолари.

ЮТУҚЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАЙМИЗ

Бу йил ниҳоятда шодиёна йил бўлди. Қувончларимизга қувончлар қўшилмоқда. Республикамизнинг шонли пахтакорлари, пахтакор республикаларнинг КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев иштирок этган кенгашида зиммага олинган 4 миллион 850 минг тонналик улкан социалистик мажбуриятни 4 миллион 900 минг тонна қилиб бажарганлари тўғрисида она-Ватанга рапорт бердилар.

Бу Ўзбекистонимиз тарихида мисли кўрилмаган беқиёс катта ғалабадир. Биз ўзбек пахтакорларининг бу меҳнат зафарлари билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Пахта — ўзбек халқининг фахри, миллий ифтиҳори, интернационал бурчи, халқлар дўстлигининг рамзи. Ана шунинг учун ҳам биз пахтакор эканлигимиз билан фахрланамиз. Яна пахтакорларинг улкан ишларига оз бўлсада ҳисса қўшганимиз билан фахрланамиз.

Пахтачилик осон иш эмас. Бу улкан ҳосил — қишинёзни тинмай қилинган ҳалол меҳнатнинг самараси. Шунинг учун ҳам уни олтинга тенглаштирилади. Олтин қазиш сер-меҳнат бўлгани сабабли шундай дейилади. Пахтакорларни заршунос дейдилар. Зар қадрини заргар билади, дейди халқимиз. Биз пахтакор бўлганимиз, пахтачиликда тер тўкиб келаётганимиз учун пахтакорлик касбини улуғлаймиз. Ахир шундай улкан хирмон яратган пахтакор дўстларимизга тасанно, демай бўладими!

Бизнинг колхоз аъзолари ҳам пахтакорлар ишига муносиб ҳисса қўшиш учун ҳормай-толмай меҳнат қилдилар. Эл қатори юқори ҳосил етиштириш учун курашдилар. Тер тўкдилар. Очил Маматқулов, Хван Валентин бошлиқ бригада аъзолари ҳосилдорликда колхозимизнинг пешқадамлари. Улар юқори ҳосил етиштиришда бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар. Бошқаларни ўзларига эргаштирмоқдалар. Абдусамат Чўтибоев, Турғун Ғиқулов, Қурбон Рисқулов сингари азамат механизаторлар машина билан пахта теришда бошқаларга намуна. Салкам уч минг тонна пахта ҳосили машина бункерларидан тўкилди.

Ҳосилдорлик соҳасида колхозимизда бу йил анча силжиш бўлди. Бултургига нисбатан ҳосилдорлик ошди. Ҳар гектар ердан 32 центнердан пахта йиғиб олинди. Лекин бу ҳосил ҳали бизни қаноатлантирмайди. Районимиздаги илғор хўжаликлар ҳосилдорликда анча илгарилаб кетдилар. Айниқса Свердлов номли колхоз аъзоларининг ишлари ҳавасимизни келтиради, улар районимиздаги ҳамма хўжаликларга ўрнак бўлмоқда. У ерда ҳосилдорлик ҳозир 35 центнерга етди.

Биз эришган ютуқларни ҳам, йўл қўйилган камчиликларни ҳам таҳлил қилиб кўрмоқдамиз. Эришган ютуқларимизнинг сирларини, йўл қўйган камчиликларимизнинг сабабларини аниқламоқдамиз. Айниқса, машина билан пахта теришда илғор хўжаликлардан анча орқадамиз. Бундай камчиликларни айтишдан мақсад келгуси йил мўл ҳосили учун замин яратиш, юқори ҳосил етиштиришни кўзлаб иш олиб боришдан, бу йил рўй берган камчиликларни келгуси йилда такрорламасликдан иборат. Шунинг учун ҳосилдан бўшаган ерлар сифатли шудгор қилиб қўйилди. Механизаторларимиз техника ремонтини бошлаб юбордилар. Айни кунларда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар бажарилмоқда.

Пахтакор дўстлар, яна бир бор сизларни пахта байрами билан табриклаймиз!

А. ҚАРШИБОЕВ,
Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли колхоз раиси.

С. ТУРСУНБОЕВ,
колхоз партия ташкилотининг секретари.

СОВЕТ ВА ҲИНД ОЛИМЛАРИ ҲАМКОРЛИГИ

Инглиз империализми Ҳиндистонда, айниқса унинг қишлоқ хўжалигида оғир из қолдирган. Ҳалигача қишлоқ хўжалигида омоч ва қўл меҳнати ҳукмронлик қилади. Ҳозир ҳам экинларни ўроқ билан ўриш ва чорва моллар билан янчишни кўриш мумкин. Далаларда қишлоқ хўжалик зараркунандалари кенг тарқалган. Жуда кўп штатларда ер 3—4 йилда бир марта ҳайдалади. Мамлакатда чорва моллар сони жуда кўп. Аммо, улардан жуда кам маҳсулот олинади.

Ҳиндистон давлат қишлоқ хўжалик министри А. М. Шинденнинг айтишича қишлоқ хўжалигидаги ерларнинг майда деҳқон хўжаликларига бўлиб юборилганлиги ҳам ишни анча қийинлаштиради. Мамлакатдаги деҳқон хўжаликларининг деярли ярми 0,4 гектардан ерга эгадир.

Ҳиндистон ҳукумати қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга жуда катта аҳамият бермоқда. Бош министр Индира Ганди «Ҳиндистонни қашшоқ мамлакат деб аташ тўғри эмас, мамлакат олдида жуда катта проблемалар турибди, Ҳиндистонни ана шу проблемаларини ҳал қилиш учун қаҳрамонона курашаётган мамлакат», деб аташ тўғрироқ бўлади, деган эди.

Ҳиндистон қишлоқ хўжалигида ва унинг экономикасида ҳозирнинг ўзидаёқ бир мунча ютуқлар қўлга киритилди. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун кўплаб давлат маблағи ажратилмоқда. Агротехника комплексларини жорий қилиш ва экинлардан олинадиган ҳосилни ошириш учун қатор бошқа тадбирлар амалга оширилмоқда. Кейинги 20 йил ичида буғдой, шоли ва маккажўхори ҳосили 2 баравар кўпайтирилди.

Мамлакат қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ва миллий экономикани ўстиришда Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасидаги дўстона муносабатлар катта аҳамият касб этмоқда. Совет Иттифоқи Ҳиндистонга кўплаб қишлоқ хўжалик машиналари етказиб бермоқда. Ҳозир Совет Иттифоқида тайёрланган 35 мингдан ортиқ трактор ва комбайн ҳинд деҳқонларининг оғир меҳнатини енгиллаштирмоқда. Мамлакатдаги 13 та механизациялашган давлат фермасининг 6 таси Совет Иттифоқи ёрдами билан барпо қилинган.

Ўзбекистон ССР ҳам совет-ҳинд ҳамкорлигида катта роль ўйнамоқда. Мана, бир неча йилдирки, ҳинд олимлари ва мутахассислари Ўзбекистонга келиб қишлоқ хўжалиги фани ютуқлари билан танишиб, тажриба ўрганмоқдалар. Улар республикамиз деҳқонлари ва чорвадорлари эришган ютуқларини ўз юртларида қўлланиш учун қизиқмоқдалар.

Ҳиндистон давлат қишлоқ хўжалик министри А. М. Шинденнинг республикамизга келиб кетганидан кейин иккала мамлакат ўртасидаги муносабат янада кенг тус олди. «Бизнинг Ўзбекистонга келишимиз,— деган эди министр АДН мухбири билан суҳбатда,— пахтачиликка доир барча масалалар билан имкони борича батафсил танишишдан иборат. Биз ўзбек деҳқонларининг пахтадан қандай қилиб юқори ҳосил етиштираётганлиги билан гоят қизиқамиз. Республикада бизни самимий меҳмондўстлик билан кутиб олганликлари ва ҳамма нарсани бажонидил кўрсатаётганлиги бизни ҳаяжонлантирди».

Ҳозир ҳам Ўзбекистонга жуда кўплаб ҳинд олимлари ва мутахассислари келиб, қишлоқ хўжалигининг барча тармоқлари хусусан, пахтачилик, уни механизациялаш, бодорчилик ва чорвачиликдан мўл маҳсулот олиш ҳамда кадрлар тайёрлаш ишлари билан кенг қизиқмоқдалар. Ҳинд олимлари республикамиздаги илмий-текшириш институтлари, тажриба станциялари, агрохимлабораториялар, колхоз ва совхозларда бўлдилар. Ҳиндистон чорвачилик илмий-текшириш институтининг директори А. Рой ва чорвачилик бошқармасининг бошлиғи О. Н. Сингх республикамизга келганларида «Чиноз» совхоз техникумига ва Калинин районидаги «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхозига бордилар. Улар республикамизда донг таратган сут соғувчи Мунаввара Исҳоқова билан узоқ суҳбатлашдилар. Унинг ҳар бир сигирдан қандай қилиб 4500 килограммдан сут соғиб олаётганлиги меҳмонларни жуда ҳам қизиқтирди.

Панжоб қишлоқ хўжалик университети директорининг ўринбосари Г. С. Бакши бошчилигидаги делегация республикамизда узум етиштириш билан қизиқиб танишдилар. Яқинда шу делегация бошлиғидан хат келди. У «Каттақўрғон», «Пушти тайфи» ва бошқа магизбоп узум навлари Ҳиндистонда жуда яхши ўсаётганлигини хабар қилади.

Региональ илмий-текшириш станциясининг раҳбари, доктор В. Синтжана бошчилигидаги делегация пахта селекцияси ва уруғчилиги билан, янги ерларни ўзлаштириш, ўсимликларни қишлоқ хўжалик зараркунандаларидан ҳимоя қилиш, пахтакорлар меҳнатини ташкил қилиш ва ҳақ тўлаш масалалари билан батафсил танишдилар. Улар Ўзбекистонда олган тажрибаларини ўз мамлакатларида жорий қилиш учун қатор тадбирларни амалга оширишни мўлжалламоқдалар. Ҳиндистон Давлат қишлоқ хўжалиги министрлиги химизациялаш бош бошқармасининг бошлиғи доктор С. Н. Баруа бошчилигидаги делегация илмий-текшириш институтларининг агрохимлабораториялари ва колхоз-совхозларида бўлиб, минерал ўғитлардан ва заҳарли химикатлардан фойдаланиш билан танишдилар.

Ҳинд олимлари республикамизда бўлганларида қишлоқ хўжалик кадрлари тайёрлаш масалалари билан айниқса қизиқдилар. Ўтган йили бир неча ҳинд мутахассислари республикамизда илмий стажировкада бўлдилар.

Қишлоқ хўжалик соҳасида совет ҳинд олимлари ва мутахассисларининг ҳамкорлиги бундан кейин ҳам ривожланиб боради. Бунинг учун кенг йўл очилмоқда.

Н. АРТЕМЬЕВ.

ТОШКЕНТ абразив комбинатида қолипловчи Наташа Семеник комини зўр ҳурмат билан тилга олишади. У бундай иззат-икромга ҳалол меҳнати туфайли муяссар бўлмоқда.

Шундан сўнг конференция қатнашчилари маълум соҳалар бўйича қилинган қўшимча докладларни тингладилар. Айниқса, иқтисод фанлари кандидати А. Муталовнинг «Техника тараққиёти — меҳнат унумдорлигини оширишнинг муҳим омили», Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрининг ўринбосари С. Мақсудовнинг «Ишлаб чиқариш бирлашмалари ва уларни янада ривожлантириш вазифалари», республика техника ўлчов лабораторияси бошлиғи М. Алимовнинг «Стандартлаш ва техника тараққиёти» тўғрисидаги докладлари кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Конференцияда сўзга чиққан бошқа ўртоқлар ҳам енгил саноат корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўлида қилинаётган ишлар тўғрисида гапирдилар. Пировардида бир қатор тавсиялар қабул қилинди.

ИЛМИЙ-ИҚТИСОДИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги ва Тошкент халқ хўжалиги институти томонидан ташкил этилган илмий-иқтисодий конференцияда КПСС XXIV съезди қарорлари асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш йўллари муҳокама қилинди. Ўзбекистон ССР Енгил саноат министри Ф. Х. Хўжаев ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш юзасидан министрлик корхоналари олдида турган вазифалар тўғрисида доклад қилди.

Беш йилликнинг тўрт йилда бажаришга ваъда қилган меҳнатсевар ишчи нормани 130—140 процентдан бажармоқда.

Т. Каримов фотоси.

ОҲАНГАРОН ЦЕМЕНТИ

Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилган Оҳангарон райони саноат корхоналари маҳсулот ишлаб чиқариш ва сифатини яхшилаш борасида қувончли натижаларни қўлга киритмоқдалар.

Масалан, район саноатчилари йил бошида пландан ташқари 1 миллион 200 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга ваъда қилишган эди. Улар ўз сўзларининг устидан чиқишди. Шу давр ичида пландан ташқари 1 миллион 932 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Меҳнат унумдорлиги эса ўтган йилга нисбатан 13 процент ортди.

Мукофотга эришишда Оҳангарон цемент комбинати, «Сантехлит» заводи, пластмасса буюмлари ва ун комбинатлари коллективларининг қўшган ҳиссаси катта бўлди. Мазкур корхоналар ўн ой ичида зиммадаги мажбуриятларни шараф билан бажариб, шу кунларда янги мажбурият ҳисобига ишламоқдалар. Чунончи, илғор Оҳангарон цемент комбинатининг коллективи пландан ташқари ўн ой ичида 1 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилиб, 14 минг тонна цемент, кўплаб шифер ва бошқа хил қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга муваффақ бўлдилар. Шуниси характерлики, Оҳангарон райони саноат корхоналарида ҳозир бир минутда тўрт ярим тонна цемент, 42 дона шифер, 6 квадрат метр линолиум ва шунга ўхшаш 60 хилдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Район саноатчилари пландан ташқари кўплаб маҳсулот ишлаб чиқариш билан бирга, унинг сифатига ҳам алоҳида эътибор бермоқдалар. Бу борада Оҳангарон пластмасса буюмлари комбинати ишчи-хизматчиларининг амалга ошираётган ишлари диққатга сазовор.

Ҳал қилувчи йилда район территориясида қурилиш ишлари ҳам жадал суръатлар билан олиб бориляпти. Бунёдкорлар ўтган ўн ой мобайнида пландан ташқари бир миллион сўмлик қурилиш монтаж ишларини бажаришди. Айни кунларда қурувчилар колхоз ва совхозларда қора моллар учун замонавий фермалар, қўралар, ем ишлаб чиқарадиган цехлар бунёд этишяпти. «Ғаллақудуқ» совхози территориясида замонавий техника билан жиҳозланган 10 минг бош қора молга мўлжалланган катта модхона қурилиши тезкорлик билан олиб бориляпти.

Шунингдек, Оҳангарон ун комбинатида бир кеча-кундузда 315 тонна концентрлаштирилган озуқа ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган завод ишга туширилиш арафасида турибди. Яқингинада қўли гул бунёдкорлар 200 ўринли барча қулайликларга эга бўлган касалхонани фойдаланишга топширдилар. Бу ишларни амалга оширишда 21-механизациялашган кўчма колонна, хўжалик ҳисобидаги 2-отряд коллективларининг ҳиссаси катта бўлди.

Айни кунларда район саноатчилари ҳамда қурувчилари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллик олтин тўйини меҳнатда муносиб ютуқлар билан кутиб олиш учун барча куч, резерв ва имкониятларини ишга солмоқдалар. Уларнинг мақсади зарбдор йилни муддатидан илгари якунлаб, келгуси йил планларини муваффақиятли бажаришга пухта замин яратишдир.

М. ЭГАМҚУЛОВ.

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

ХУШХАБАРЧИ

Эрта тонг билан хонадонларга хат-хабар, газета улашган йигит ишини барвақт тугатиб, тўғри почтахонага йўл олди. Ҳали ташқилотларнинг газета ва журналларини етказиш, почта ишларини тартибга келтириш, янги келтирилган телеграммаларни эгаларига олиб бориш лозим. Наби бу ишларни чаққонлик билан бажаради. Қўли ишдан бўшади дегунча почта мудирига ёрдамлашади. Одамлардан посилка қабул қилиб, квитанциялар ёзади. Кун бўйи елиб-югуради, чарчаш нималигини билмайди. Шунинг учун ҳам ҳамма ундан хурсанд. Пенсия пулини ўз вақтида олган қариялар умридан барака топсин, эсли-хушли, чаққон йигит чиқди дея таърифлашади.

Йиллар тез ўтди. Кечагина кўчама-кўча газета-журнал тарқатиб, одамларга беминнат хизмат қилган Наби Пўлатовнинг бугун кўпчилик ўртасида ўз ўрни, обрў-эътибори бор. 16 минг аҳолига хизмат қиладиган каттагина почтага мудирлик қилади.

Тонгдан почтахонада иш қизиб кетади. Наби ака ишларга бош-қош. Почтальонлар бирин-кетин газета-журналларни олиб йўлга чиқишади. Ҳар бири хат-хабарни телеграммаларни эгаларига барвақт етказиб беришга ошиқади. Почта ишини яхшилашда кўп йиллик тажрибасига таянинб ишчоритаётган Наби Пўлатов шундай дейди:

— Почтахонамизнинг аҳил коллективи ойлик, квартал планларини доимо ошириб бажармоқда. Шунинг учун ҳам коммунистик меҳнат зарбдори деган юксак унвон олишга сазовор бўлдик. Бу йилги обуна планида ҳам муддатидан илгари анча ошириб бажарилди.

Почта мудири ўзининг кўп йиллик меҳнат фаолиятида область ва район почта бирлашмасининг фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди. Почта ишини яхшилаш соҳасида кўпгина таклифлар ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Бу ерда Наби акага ўхшаш ширинсўз, меҳнатсевар алоқа хизматчилари кўп. Улардан бири Мавлуда Рисметовадир. У анча йиллардан бери ўз вазифасини шараф билан адо этиб келмоқда. Мавлуда почтада ишлаш билан бир вақтда олий ўқув юртида билимини оширмоқда.

Ўз меҳнатлари билан эътибор топаётганлар орасида Абдураҳмон Раззоқов, Саъди Исаев, Раҳим Пўлатов, Иззат Раҳмоновлар ҳам бор. Улар эртаю кеч почта ишини яхшилаш, одамларга беминнат хизмат қилиш йўлида астойдил меҳнат қилишмоқда. Почта одамлари аҳолига бир ойда 70 мингдан ортиқ газета ва журнал тарқатишади. Қарилик гаштини сураётган 800 дан ортиқ кишига пенсия пулини тарқатишади. Шундай масъулиятли ҳам шарафли вазифани бажаришда Наби ака Пўлатов бошлиқ Чигатой Оқтепа почтаси ходимлари намунали меҳнат қилишмоқда.

Н. ТУРАЕВ.

АТОҚЛИ САРКАРДА ХОТИРАСИНИ АБАДИЙЛАШТИРИШ УЧУН

Атоқли саркарда, граждонлар урушининг ва улуғ Ватан урушининг қаҳрамони, Совет Иттифоқи маршали С. М. Будённий хотирасини абадийлаштириш мақсадида РСФСР Олий Совети Президиумининг фармони билан Ставрополь ўлкасидаги Прикумск шаҳри ва Прикумский районининг номлари Будённовск шаҳри ва Будённовский райони деб ўзгартирилди.

СССР Министрлар Советининг қарорига мувофиқ, Ленин орденли, Қизил байроқ орденли алоқа ҳарбий академиясига Совет Итифоқи маршали С. М. Будённий номи берилди. Урушдан олдинги йилларда қўшинларига С. М. Будённий қўмондонлик қилган Москва ҳарбий округи штаби биносига ёдгорлик лавҳаси ўрнатилади. Москва шаҳри кўчаларидан бири С. М. Будённий номи билан аталадиган бўлади. Бир қанча олий ҳарбий ўқув юртларининг тингловчилари ва курсантлари учун С. М. Будённий номли стипендия белгиланди.

Дунё хабарлари

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ТИНЧЛИК ИШИГА ҚЎШИЛГАН РЕАЛ ҲИССА

Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ҲИНДИСТОНГА ҚИЛГАН ВИЗИТИ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА ЧЕТ ЭЛ ШАРҲЛАРИ

Халқаро жамоатчилик ва чет эл матбуоти КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг Ҳиндистонга қилган расмий дўстона визити натижаларига кенг ижобий фикр билдириб, бу якунларни маъқулламоқда ва қўллаб-қувватламоқда.

ПРАГА. Чехословакияда чиқадиган «Праце» касаба союз газетаси КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг Ҳиндистонга қилган визити якунларига бағишланган шарҳларида Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасидаги муносабатлар — ижтимоий тузумн турлича бўлган давлатлар тинч-тотув яшашининг намунасидир, деб ёзади.

БУДАПЕШТ. Венгриянинг «Мадьяр хирлап» газетаси КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг Ҳиндистонга қилган визити якунларини шарҳлаб, бундай деб ёзади: Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасида нуқтан назарларнинг шундай бирлигига эришилдики, бу бирлик Совет-Ҳиндистон муносабатларини янада интенсивроқ ривожлантириш имконини яратиб берди.

ВАРШАВА. Польшадаги чиқадиган «Жиче варшави» газетаси бундай деб ёзади: визит чоғида ҳар иккала мамлакат нуқтаи назарларнинг бирлиги яна таъкидлаб ўтилди. Л. И. Брежневнинг Ҳиндистон парламентида сўзлаган нутқи зўр иштиёқ билан қутиб олинди. Совет раҳбари бу нутқида Осиёда коллектив хавфсизлик системасини вужудга келтириш юзасидан СССР таклифларини эслатиб ўтди. Бу қитъада урушнинг бирон бир манбаи бўлмаган ҳозирги пайтда, бу ерда хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлларини қидириш кучайиб бораётган бир пайтда совет таклифи алоҳида актуаллик касб этади.

УЛАН-БАТОР. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг Ҳиндистонга қилган визити, деб ёзади Монголиянинг «Унэн» газетаси, Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаб-гийа қолмай, халқаро кескинликни юмшатиш, Осиёда тинчликни мустаҳкамлаш ишига катта ҳисса ҳам қўшди. Бу визит мустақилликка эришиб, социал тараққиёт йўлини танлаб олган халқларнинг социализм ва коммунизмга бўлган ғоявий эътиқодини таъни ҳам кўпроқ мустаҳкамлади.

ДАККА. Бангладешда чиқадиган «Бангла бани» газетаси редакцион мақоласида қуйидагиларни ёзади: Совет-Ҳиндистон қўшма декларацияси айниқса Жанубий Осиё кичик қитъасида халқаро вазиятга катта таъсир ўтказишига аминмиз.

БАҒДОД. Ироқнинг таниқли жамоат арбоби, қурд олими Маъсуд Муҳаммад ТАСС мухбири билан суҳбатда қуйидагиларни айтди: биз, Ироқда КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг Ҳиндистонга қилган визитига Осиё қитъасида мустаҳкам тинчликни таъминлаш ишига қўшилган муҳим ҳисса деб баҳо берамиз. Бу визит Совет Иттифоқи ва унинг раҳбарлари қитъамиз халқларининг орзу-умидларини чуқур тушунаётганликларидан далолат беради, бунда эса, деб таъкидлади Маъсуд Муҳаммад, Л. И. Брежневнинг шахсий хизмати жуда ҳам каттадир.

БОГОТА. Л. И. Брежневнинг Ҳиндистонга қилган сафари ва унинг Ҳиндистон Бош министри Индира Ганди билан олиб борган музокаралари, деди Колумбия сенатори Умберто Пласас Оларте, КПСС XXIV съезди қабул қилган тинчлик программасини амалга ошириш учун ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Тинчликни мустаҳкамлаш ва ер юзининг турли районларида можароли вазиятларни бартараф этишга кўп куч ва ғайрат сарфланган Совет давлатининг атоқли арбоби визитининг аҳамияти ниҳоятда каттадир.

(ТАСС).

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

БОННГ, 6 декабрь. (ТАСС). Гамбургда эркин немис ёшлари иттифоқи (ГДР) билан немис студентлари иттифоқи (ГФР) ўртасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим имзоланди.

Битимда ёшларнинг халқаро демократик ҳаракатини янада мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида иккала ташкилот ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш зарурлиги таъкидланган.

Иккала ташкилот Европада тинчликни таъминлашга актив кўмаклашиш ниятида эканликларини изҳор этди.

СОВЕТ ДАРСЛИКЛАРИ ҲИНДИСТОНДА

ДЕҲЛИ, 6 декабрь. (ТАСС). Олий ёқув юртлари ва техникумлар учун чиқарилган совет авторларининг дарсликлари ҳинд студентларига жуда маъзур бўлмоқда. Яқинда мамлакат ҳукуматининг махсус қарори билан яна 200 совет дарсликлар ҳинд студентларига жуда маъзур бўлмоқда. Яқинда мамлакат ҳукуматининг махсус қарори билан яна 200 совет дарсликлар Ҳиндистоннинг олий ўқув юртлари учун қўлланма тариқасида тавсия этилди. Бутун иттифоқ «Международная книга» ташқи савдо бирлашмасининг вакили бу ерда шуни айтдики, 1974 йилда Совет Иттифоқи Ҳиндистонга 1,5 миллион нусха китоб экспорт қилади. Унинг анчагина қисми дарсликлардан иборат бўлади.

ЁНИЛҒИ ТАНҚИСЛИГИ КУЧАЙМОҚДА

ЛОНДОН. Лондон матбуотининг хабарларига қараганда, Англияда суюқ ёнилғи запаслари «хатарли даражада» камайиб кетган. Нефть ётишмаётганлиги сабабли пўлат эритиш саноатида ва саноатнинг бошқа тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқариш қисқармоқда. Лондонда машиналарга бензин қўйиш станцияларининг ярмига яқини ёпилиб қолди. Ишлаб турган колонкалар ёнидаги навбат жуда узайиб кетди. Лондондаги фонд биржасининг акциялари қиммати жуда ҳам пасайиб кеттаилигига иқтисодий қийинчиликлар сабаб бўлди.

ПАРИЖ. Энергетика хом ашёсини тежаш мақсадида ҳукумат кўрган «чеклаш чоралари» мактабларнинг ёпилишига сабаб бўлди, ишчиларнинг ишдан бўшатилиш хавфини туғдирди, дейилади Франция Коммунистик партияси Марказий Комитетининг баёнотида.

Араб мамлакатлари гарбдаги баъзи давлатларга нефть бермаслик чорасини кўрганлиги Франциянга нисбатан жорий этилмаётган бўлса ҳам, ана шу қийинчилик вужудга келганлигининг сабаби шуки, француз нефть компаниялари бойлик орттириш мақсадида миллий бозордаги нефть маҳсулотларининг анчагина қисмини юқори нарх билан бошқа мамлакатларга юбормоқдалар. Исроил агрессиясини қўллаб-қувватлаётган мамлакатларга араблар нефть беришни қисқартирган бир пайтда француз нефть компаниялари шундай йўл тутмоқдалар, дейилади баёнотда.

РИМ. «Мессажеро» газетаси Италияда нефть маҳсулотларини ва электр энергияни «қаттиқ тежаш режими» жорий этилганлигини шарҳлаб, ҳеч нарсани тежашга муваффақ бўлинганги йўқ, деб таъкидлайди. Ўтган якшанба кунн Римнинг ўзида одатдагидан 2 миллион киловатт соат кўп электроэнергия сарф бўлди. Кўпгина онлалар шаҳар ташқарисига чиқиб кетиш ўрнига бутун кун бўйи ўз уйларида ўтирганлар, бу эса электр энергиянинг жуда эртиқча сарф бўлишига олиб келган.

Қишки совуқ одатдан ташқари эрта тушганлиги сабабли мамлакатдаги энергетика танглигининг оқибатлари айниқса йил сезилмоқда, деб таъкидлайди газеталар.

ВАШИНГТОН. АҚШ президенти Р. Никсон энергетика танглиги кучайиб бораётганлигига қарши курашмоқ учун янги ташкилий чоралар кўрилмоқчи эканлигини эълон қилди.

Р. Никсон Оқ уйдаги матбуот конференциясида гапириб, мамлакатда энергия танқислигини бартараф этиш чораларини ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириб олиб бориш учун ҳукумат ичида тузилган махсус группага шахсан раҳбарлик қиламан, деди.

Федерал энергетика бошқармаси деб аталган янги ҳукумат органини тузиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини конгрессга юборишга қарор бердим, деди Р. Никсон. Бу соҳадаги снёсатни белгилаш ва энергетика танглигини бартараф этиш йўлидаги кураш программасини амалга ошириш ана шу янги органга топширилади.

(ТАСС, 6 декабрь).

ЧИЛИ ВАТАНПАРВАРЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИБ

РИМ. Чилидаги ҳарбий хунтанинг яна бир жинояти — Чили Коммунистик партиясининг Бош Секретари Луис Корвалани Досон оролидаги қамоқ лагерига ўтказганлиги тўғрисидаги хабарни Италиянинг демократик жамоатчилиги қаҳр-ғазаб билан қутиб олди.

Шу кунларда бутун мамлакатда ўтаётган оммавий митинг ва намойишларнинг қатнашчилари Луис Корвалан дарҳол озод этилишини, Чилидаги бошқа ватанпарварларнинг ҳаёти қутқариб қолинишини талаб қилмоқдалар. Туринда, Умбрия ва Калабрия областларида студентларнинг кўп кишилик намойишлари бўлиб ўтди. Мамлакат ёшлари Чили халқини қатъий қўллаб-қувватлаб чиқди.

ОТТАВА. Канаданинг катта шаҳарларидан бири — Монреалда Чили халқи билан бирдамлик митинги бўлиб ўтди.

Ҳалоқ бўлган Чили президенти Сальвадор Альенденинг рафиқаси — Ортенсия Бусси шу митингда сўзлаб, канадаликларни фашистлар хунтасига «маданий, иқтисодий ва ижтимоий бойкот» эълон қилишга даъват этди. У Чили ҳарбийларининг таъқибидан қочиб, қувғинда юрган чилиликларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга даъват этди.

ЛИМА. Перу меҳнаткашлари Чилида ҳарбий хунта мамлакат прогрессив кучларига қарши қилаётган мудҳиш репрессияларини газаб билан қораламоқда ҳамда Чили Коммунистик партиясининг Бош секретари Луис Корвалан ва чилилик бошқа ватанпарварлар дарҳол озод этилишини талаб қилмоқда. Перу меҳнаткашлари ялпи конфедерациясининг Бош секретари Густаво Эспиноса ТАСС мухбири билан қилган суҳбатида шу гапларни айтди.

БОГОТА. Колумбия Компартияси Марказий Комитети ижроия комитетининг аъзоси, «Вос пролетария» газетасининг директори Мануэль Сепеда Варгас Чили хунтасининг янги ўзбошимчалик ҳаракати — Чили Компартияси Бош секретари Луис Корваланнинг Досон оролидаги қамоқ лагерига ўтказилишига қарши қатъий норозилик билдирди. Чили халқининг содиқ фарзанди, меҳнаткашларнинг манфаатлари учун толмас курашчини қандай йўл билан бўлмасин қутқармоқ зарур, деди Мануэль Сепеда.

(ТАСС).

Германия Демократик Республикаси. Турмдаги электромоторлар заводи коллективи йил охиригача бир миллион маркали қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилган. Сурат да: заводнинг механика цехида.

АДН—ТАСС фотоси.

ҲОСИЛ БАЙРАМИ — МЕҲНАТ БАЙРАМИ

(Боши 1-бетда)

Майдон узра фанфарларнинг қувноқ жаранги янграйди. Фанфаралар овозига духовой оркестрнинг шўх маршлари ҳамоҳанг бўлиб кетади. Майдонда Қорақалпоғистон АССР ва барча областлар қишлоқ хўжалиги илғорларининг байрам намойиши бошланади.

Марказий минбар ёнидан биринчи бўлиб Қорақалпоқ пахта корлари, чорвадорлари ва соҳибкорлари тушган машиналар ўтиб боради. Машиналарнинг ҳаммаси байрам либосида. Тов ланиб турган транспарантлар автоном ўлка меҳнаткашлари қўлга киритаётган муваффақиятлардан ҳикоя қилади.

Байрам колонналари бир-бирига уланиб кетади. Кўзимиз олдида тоғ-тоғ пахта хирмонлари, поёнсиз яйловлар, серфайз далалар, мевага тўкин боғ-роғлар намоён бўлади.

— Марказий минбар олдидан Тошкент области қишлоқ хўжалиги илғорларининг колоннаси ўтиб бормоқда, — дикторларнинг янгроқ овози эшитилади.

Биринчи машинада Маҳмуд Исматов, Энвер Алиев, Шарифжон Валиев, Мусо Музаффаров каби донгдор пахтакорлар ўтиришибди. Байрам қатнашчиларн уларни қизғин қарсаклар билан қутлайдилар. Бу азаматларни бугун ҳар қанча қутласак, улкан ғалаба билан муборакбод этсак арзийди. Мана шундай илғорлар ҳиссаси билан областда бу йил 416 минг тонналик улкан «оқ олтин» хирмони бунёд этилди.

Оққўрғон районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг комплекс механизациялашган звено бошлиғи, СССР Олий Совети депутати Энвер Алиев ўз ҳамкасблари билан бирга ёз бўйи ҳалол меҳнат қилиб, ҳосилдорликни 50 центнердан оширди. Янгийўл районидаги Маҳмуд Исматов раҳбарлик қилаётган «Коммунизм» колхози коллективи эришган муваффақиятлар ҳам бу йил барчани қувонтирмоқда. Колхоз пахтакорлари гектар бошига 43,2 центнердан ҳосил кўтариб зиммага олинган мажбуриятни областда биринчилар қатори шараф билан адо этди. Вилтга чидамли пахта уруғларини ҳозир мана шу хўжалик коллективи етказиб бермоқда.

Илғор коллектив кузги ва қишки ишларни ҳам намунали ташкил этмоқда. Шу кеча-кундузда улар келгуси йил мўл ҳосили учун мустаҳкам замин яратмоқдалар. Республикамиз юбилейи нишонланадиган йилда колхоз пахтакорлари пахта ҳосилдорлигини 45 центнерга етказишга аҳд қилганлар.

Пахтакорлар колоннасига сабзавоткорлар ва соҳибкорлар колоннаси қўшилиб кетади. Махсус машина Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхоз цитрусчиси Зайниддин Фахриддинов яратган лимон, апельсин ва бошқа хил цитрус ўсимликлари ҳосилини кўз-кўз қилиб ўтади. Новатор цитрусчи Ўрта Осиё шароитида ҳам лимон ва апельсинлардан мўл ҳосил олиш мумкинлигини ҳамманинг кўзи олдида исботлаб берди. Ҳозир унинг издошларини кўлгина хўжаликларда учратиш мумкин.

Кейинги машина бортида «Қибрай» совхозининг тўкин боғ-роғлари намоён бўлади. Совхоз саҳибкорлари пойтахт меҳнаткашларини мева-чева билан таъминлашда йил сайин қувончли ютуқларни қўлга киритиб келмоқдалар.

Майдонни яна машина ва мотоцикллар овози тутиб кетади. Пахтакорлар кўзи олдида спортчилар турли машқларни бажариб ўтадилар. Айниқса Тўланбой Қурбонов бошлиқ ўзбек полвонларини минбарда ўтирганлар қарсаклар билан қаршн оладилар. Муроджон Меликузнев, Абдулла Хожибоев, Бахтиёр Аҳмаджонов ўз устозлари Тўланбой Қурбонов билан биргаликда мураккаб машқларни бажарадилар.

Мусобақалар давом этади. Майдонда тулпор минган чавандозлар. Уларни XX Олимпиада ўйинлари қатнашчиси от спортининг машҳур устаси Мамажон Исмоилов бошлаб келаяпти. Республикамиз чавандозларининг терма командаси Бутуниттифоқ мусобақаларида актив қатнашиб, бу йил тўртинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Александр Ковшев, Галина Кавзун, Искандар Йўлдошев каби чавандозларнинг номи бугун республикамиз оша Иттифоқда ҳам машҳурдир. Улар отда турли фигуралар ясаб, ёниб турган халқа ва тўсиқлардан муваффақиятли сакраб, томошабинлар олқишига сазовор бўлдилар.

«Қиз қувиш», «Ағдариш», «Тож йиқитиш» каби от спорти мусобақалари бир-бирига уланиб кетади. Чавандозларимиз ҳар бир программани чаққонлик билан бажариб, ўз санъатларини намойиш қилдилар.

Пахта байрамининг иккинчи куни яна ҳам қизиқарли ўтди. От спорти ишқибозлари бу гал қорабайир отларининг икки минг метрга пойгасини, тўрт минг метрга ўтказилган олмон пойгани, улоқни томоша қилдилар. Айниқса Ўзбекистон ССР ДОСААФ Марказий Комитети спортчиларининг кўргазмали чиқишлари барчани қойил қолдирди. Майдон осмонидан учиб ўтган «АН—2» самолёти бортидан қўлда қардош республикалар байроғини тутган спортчилар белгиланган нуқтага аниқ келиб қўнадилар. Яна бир группа парашютчи спортчилар фал ёрдамида самолётда учиб ўтадилар. Кейин ундан ажралиб отчопар майдонига тушадилар. Бундай ҳаяжонли дақиқаларнинг гувоҳи бўлган пахтакорлар довюрак спортчиларимиз жасоратига тасаннолар айтишди.

Мусобақалардан сўнг байрам қатнашчилари бир пиёла чой устида очиқ кроватларга тўшалган кўрпачалар устида қизғин суҳбатлар қурдилар. Куй ва қўшиқлар тинглаб байрамни зўр шоду-ҳуррамлик билан ўтказдилар.

Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ,
Ж. НОСИРОВ.
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбирлари.

СУРАТЛАРДА: Тошкент отчопарида Ҳосил байрами шодиёналари.

А. Абалян фотоларн.

Спорт

ЎНБИР ТУРДАН СЎНГ

Ўзбекистон чемпони А. Хўжаев хотирасига бағишлаб ўтказилаётган шахмат мусобақаси қизғин тус олмоқда. Ўн бир турдан сўнг етти яримтадан очко тўплаган гроссмейстер Лейн билан тошкентлик спорт мастери Борисенко олдинда бормоқдалар.

Ўн биринчи турда тошкентлик Аъзамов билан арманистонлик Григорян учрашуви кўпчилик эътиборини ўзига тортди. Аъзамов дастлаб кучларни тенглаштиришга муваффақ бўлди, сўнг битта пиёдани ютиб, олди. Григорян эса хавфли вазиятдан чиқиш йўлларини излаб, кўп вақтини ўтказиб юборди. Пировардида бу учрашув Аъзамов фойдасига ҳал бўлди.

ДИНАМОЧИЛАР РАҚИБИ ЮТҚАЗДИ

УЕФА кубоги мусобақаларида Тбилисининг «Динамо» командаси рақиби ҳисобланган Англиянинг «Тоттенхем» клуби футболчилари мамлакат чемпионатининг навбатдаги учрашувида «Лейстер—Сити» командасига 0:3 ҳисобида ютқазиб қўйдилар. Ҳозир 18 учрашувдан улар 15 очко тўплашга муваффақ бўлдилар. Биринчи ўринда эса 30 очко тўплаган «Арсенал» командаси бораяпти.

САФЛАР КЕНГАЙМОҚДА

27 декабрда Ленинградда 20 ёшгача бўлган хоккейчилардан ташкил топган ёшлар командалари жаҳон биринчилиги учун норасмий куч синашишга киришадилар. Чемпионатни ўтказувчи ташкилий комитет адресига турнирда иштирок этиш истагини билдирган, қатор заявкалар тушмоқда. Кейинги пайтда Чехословакия ва Канада ёшлар командалари ҳам бу мусобақаларда иштирок этишга қарор қилдилар.

ШЕЪРИЯТ АНЖУМАНИ

Партия ва ҳукуматимиз ёш ижодкорларга ҳамиша катта аҳамият бериб келмоқда. Уларнинг, яъни кўпмиллатли совет ёшларининг учрашиб, бир-бирлари билан фикр алмашуви анъанага айланиб қолди. Ана шундай учрашувлардан бири бугунги кунда Грузия республикаси пойтахтида ўтказилмоқда.

Бу анжуман СССР халқлари навқирон шеъриятининг еттинчи фестивалидир. Фестиваль 26 ноябрда ўз ишини бошлади. Ёш шоирлар мушонраси 3 декабргача давом этди. Тбилиси шаҳри минбаридан турли миллат ёшларининг халқимиз бахт-саодатини куйловчи, ёқкан келажагимизни улуғловчи жаранглар янграб турди. Шу овозлар орасида ўзбек ёшларининг ҳам овози бор Фестивалда Ўзбекистондан илк тўплами чиққан, шоир Муҳаммадали Қўшмоқов, «Ёш гвардия», нашриёти ходими Мирпўлат Мирзаевлар иштирок этишмоқда. Қуйида уларнинг шеърларидан намуналар эълон этаётирмиз.

ҚАДИМДАН ҚОЛГАН НАҚЛ

«Меҳнат...»— деб йиғлайди,
нурдек кучли бир қўл,
кучдек нурли бир қўл...
Ёху!
Шундоққина тирсагида,
буғдойзор чатнаб ётади...
Сал нарида — сой.
Буғдойзору сой ораси —
бир нигоҳлик йўл...
Бўлсами шу қўлнинг
кўзлари!..
«Эзгулик...»— деб йиғлайди,
Чароғдек бир кўз;
бандга тушган каптар —
у кўзнинг ўнгида...
Бўлсами шу кўзнинг
қўллари!..

ТЎХТАСИН ЁКИ ОДАМЗОД ФЕЪЛИ

Бир боғ кўрди:
сувсизликдан қуригандай
илғи,
Яроқлари кун нурини
қайтаролмай ётибди.
Бир шам кўрди:
қайчиланган иродадек
пилғи —
Сочган нури кўлмакланган
соясига ботибди.
Ўз-ўзига деди у кун:
«Гап— мана шу, Тўхтасин!»
Бир қулоқ сув ҳайдаб келди
ташна боғга илиниб;
Ўша дамда заҳа бермай
олди шамнинг сўхтасин:
Ой туққандек бўлиб қолди
шам экани билиниб.

М. ҚУШМОҚОВ.

САККИЗЛИК

Куз сурури шаштидан
Кўчиб кетди қушчалар —
Иссиқ юртлар даштига
Кўчиб кетди қушчалар.
Сен юз бурма, дилбарим,
Ўтинаман ёлбориб.
Тўзимасин хисларим
Меҳрибон дил ахтариб...

МАКТАБ

Мактаб, мактаб — табаррук
макон,
Бу кун яна келдим
қошингга.
Хотиралар менн дафъатан
Қайтардилар ўн тўрт
ёшимга.
О, бу йиллар — тоза,
беғубор,
Эрта кўклам тонгидай ялиқ.
Дилга кирар бир ажиб
виқор —
Аллақандай ҳисларга тўлиқ..
Қалбимнинг илк ўйчан
меҳмони,
Унутмасман сени ҳеч қачон.
Дастлаб сенда кўрган
рўёмни
Ахтарурман мен ҳануз
сарсон.
Мактаб, сенинг қучоғинг
кўрсам,
Қайтаман мен болалик сари,
Ва уйғонар дилда қайтадан
Умримнинг илк хотиралари.

Мирпўлат МИРЗАЕВ.

ШОИР БИЛАН УЧРАШУВ

Тошкент маданий-оқартув техникумининг акт зали ёшлар билан гавжум. Қувноқ музика ва гулдурос қарсаклар садоси остида саҳнага болаларнинг ҳамда қўшиқ шайдоларининг севимли шоири Пўлат Мумин билан биргаликда техникум дирекцияси, партия ташкилоти ва комсомол ташкилоти активлари кўтариладилар.

Учрашув кечасини техникум директори Носирова кириш сўзи билан очиб, сўзни шоирнинг устози, кекса ўқитувчи Абдулла ака Суюновга беради. Пўлат Мўминнинг ижоди фаолияти ҳақида 3-курс қутубхонашунослик бўлими талабаси Мамлакат Ҳасанова доклад қилди. Кечада иштирок этган Муҳаррама Ҳайитова, Асолат Қодирова, Тошбиби Жамилова каби талабалар шоир шеърларини декламация қилдилар. Пўлат Мўмин ўзининг янги шеърларидан кеча қатнашчиларига ўқиб берди. Кечанинг бадиий қисмида техникум ходимлари ва талабалар ижросида шоир шеърлари билан айтиладиган қўшиқлардан иборат катта концерт программаси намойиш қилинди.

Бу учрашув йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Ж. МАМАТОВ.
Т. МЕЛИҚУЛОВ.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

ТВ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35 — Телефильм. 18.55 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. 19.20— «Ахборот». 19.35 — Социализм дунёси (Москва). 20.10 — Миллионлар ленинча университети. 20.25 —Ўн минут музика. 20.35— «Ахборот». 20.55 — **Оламга саёҳат.** 22.00 — «Вақт». 22.30—Концерт. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатуви. 18.30 — МОСКВА. 19.35 — Концерт. 20.45 — **Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси** (бадиий фильмнинг 6-серияси). 22.00 — Пабло Неруда ижоди (Тошкент). 22.30 — Ёзувчи Борис Полевой ижодининг саҳифалари. 23.15 — Концерт. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — Ҳужжатли фильм. 20.05 — Тошкентнинг бугуни ва эртаси. 20.25 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 20.55 — **Тўрғай** (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 7/XII да **Жизель**, 9/XII да **Доктор Айболит** (кундузи), **Концерт** (кечқурун, билетлар сотилган).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА— 7/XII да **Паранжи сирлари**, 8/XII да **Тошболта ошиқ**, 9/XII да **Замонали ва Омонали.**

КИНО

Мушук излари—«ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Сангам —НАВОИЙ номли (12.00, 16.00, 20.00).

Алиби учун ярим миллиард — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (тоқ соатларда); «ДРУЖБА» (жуфт соатларда); «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Қаллоб Цеплис — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), «ЧАПКА» (жуфт соатларда).

Эркин қуш — ҲАМЗА номли, «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Қум карьери генераллари — Г. ГУЛОМ номли (кундуз ва кечқурун). «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

Мармар уй (10.00, 21.45), **Ўғай она** (12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 20.00); — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ».

Ҳамраз — «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Яшасин севги! — С. РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
14 ДЕКАБРДАН БОШЛАБ ҲАР КУНИ КЕЧ СОАТ 5 ЯРИМДА

ЁШ ҚАЛБЛАР ЦИРК КОЛЛЕКТИВИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

ПРОГРАММА — Ўзбекистон пахтакорларининг улкан меҳнат ғалабасига бағишланади.

Шанба ва якшанба кунлари кундуз соат 3 ва кеч 5 яримда; якшанба кунлари кундуз соат 12.30, 3 ва кеч 5 яримда томошалар кўрсатилади.

Касса эрталаб соат 10 дан ишлайди.

Справка учун телефонлар: 334821; 334661.

ЦИРК ЯҚИНИДА: 1, 4, 19, 23, 41, 49, 52, 54, 74-автобусларнинг сўнгги бекати жойлашган.

ТОШКЕНТ «ЭТАЛОН» ТАЖРИБА ЗАВОДИ

ҲАММА МИНИСТРЛИКЛАР, ИДОРАЛАР, САНОАТ КОРХОНАЛАРИ, ТАШКИЛОТЛАР, КОЛХОЗЛАР, СОВХОЗЛАР ҲАМДА МЕТЕОРОЛОГИЯ ХИЗМАТИ РАҲБАРЛАРИГА

1974 ЙИЛДА

оғирлик ўлчови, электр ўлчови, теплотехника, ҳамма типдаги радио ўлчови, босим, бензин тақатиш колонналари ва механика асбобларига

ТЕХНИК ҚАРАБ ТУРИШ ВА ТУЗАТИШ ЎЧУН **ШАРТНОМАЛАР ТУЗИШИНИ**

БИЛДИРАДИ

ШАРТНОМАЛАР ТУЗИШ — МУДДАТИ 1 ЯНВАРГАЧА.

Шартномаларни қуйидаги адресларда ва чақириқ заявкаси билан жойларнинг ўзида тузиш мумкин:

ТОШКЕНТ ШАҲАР, Гублин кўчаси, 1«а»-уй. Телефон № 661013;

АНДИЖОН ШАҲАР, Базарная кўчаси, 4-уй. Телефон № 2893;

НАМАНГАН ШАҲАР, Зарбулоқ тупги, 3-уй. Телефон № 5974;

ФАРҒОНА ШАҲАР, Р. Косимов кўчаси, 11-уй. Телефон № 44112;

ҚЎҚОН ШАҲАР, Ленинобод кўчаси, 80-уй. Телефон № 2698;

ЛЕНИНОБОД ШАҲАР, Ленинград кўчаси. Телефон № 63332;

НУКУС ШАҲАР, Раҳимов кўчаси, 11-уй. Телефон № 2463;

УРГАНЧ ШАҲАР, Базарная кўчаси, 7-уй. Телефон № 2900;

САМАРҚАНД ШАҲАР, 1 ало ва бўлими. Телефон № 32566;

ГУЛИСТОН ШАҲАР, Короленко кўчаси, 11-уй. Телефон 2311.

РЕСПУБЛИКА МАШИНА ЁЗУВИ ВА СТЕНОГРАФИЯ КУРСЛАРИ

кундўзи ва кечки бўлимларга

УҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Курслар — партия, давлат органлари ва республика илмий муассасаларига замонавий иш юритиш билимини ўрганган секретарь-стенографистларни қисқа муддат ичида тайёрлаб беради, шунингдек, муассаса ва корхоналар ҳисобидан йўлланма билан келганлардан ҳам кадрлар тайёрлайди.

Мурожаат учун адрес: Тошкент-3, Олмазор кўчаси, 174-уй. («Комсомол гули» ёнида), ҳар куни эрталаб соат 9 дан кеч 8 гача учрашилсин.

Матлубот жамиятларининг Тошкент область союзи правлениеси, партия ташкилоти ва маҳаллий комитети область ижроия комитети савдо бошқармасининг бошлиғи, облпотребсоюз правлениеси аъзоси О. У. Юсуповага турмуш ўртоғи

Борис Сергеевич ГРИГОРЬЯНЦнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Собир Раҳимов район халқ маорифи бўлими, район касаба союз ташкилоти ҳамда 2-кечки ишчи ёшлар мактаби коллективи шу мактабнинг директори Б. Нуъмоновга рафиқаси

Фарида НУЪМОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — В36495. Редактор ўринбосарлари — В35885, В37916. Масъул секретарь — В34808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари — В31936. Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими — В33786. Партия турмуши, ахборот ва спорт бўлимлари — В35811. Қишлоқ хўжалиги, фан мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари — В39050. Совет қурилиши маиший хизмат ва шаҳар хўжалиги бўлими — В37045, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — В34048. Эълонлар бўлими — В38142, Коммутатор — В30249 дан В30258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри.

Индекс 64634. В. 1878. Р—02305